

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ё.Х. ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АЗИМОВА ОЗОДА ТАЛЪАТОВНА**

**АГРЕССИВ ГИПОФИЗ АДЕНОМАЛАРИ, КЛИНИК,  
ИММУНОЛОГИК, МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Азимова Озода Тальатовна**

Агрессив гипофиз аденомалари, клиник, иммунологик, молекуляр-генетик жиҳатлари..... 3

**Азимова Озода Тальатовна**

Агрессивные аденомы гипофиза, клинические, иммунологические, молекулярно-генетические аспекты..... 23

**Azimova Ozoda Talatovna**

Aggressive pituitary adenomas, clinical immunological, molecular-genetic aspects..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ё.Х. ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АЗИМОВА ОЗОДА ТАЛЪАТОВНА**

**АГРЕССИВ ГИПОФИЗ АДЕНОМАЛАРИ, КЛИНИК,  
ИММУНОЛОГИК, МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tib1629 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация акад. Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Халимова Замира Юсуфовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Натжмутдинова Дилором Камаридиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Рахимова Гульнара Нишановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**С.И. Исмаилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёнинг кўпгина давлатларида гипофиз аденомаларини ташхислаш ҳамда улар билан боғлиқ бўлган асоратларни олдини олиш бўйича қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Гипофиз аденомалари ҳар 100 минг аҳоли орасида 80-100 та ҳолат ва ҳар йил 100 000 та аҳолига 4 тани ташкил қилиб, уларнинг аксарияти яхши сифатли ва метастаз бериш қобилиятига эга эмас. Аммо барча ҳолатларининг 0,12% ини жуда кам учрайдиган гипофиз карциномалари ёки тизимли метастаз берувчи аденомалари ташкил қилади. Кам ҳолатларда гипофиз аденомаларининг хужайралари кўпайиши ёки атрофдаги тўқилмаларга ўсиб кириши, яъни инвазивлик кузатилиб клиник жиҳатдан агрессив ривожланиши мумкин. Гипофиз безининг аденомалари яхши сифатли деб ҳисоблансада, 25% дан 55% гача инвазив ва агрессив кечади. Агрессив гипофиз аденомаларининг тарқалиши ҳозиргача ноаниқ, ҳолбуки, 100 000 аҳолига 0,1-0,5 ни ташкил қилади.

Жаҳонда агрессив гипофиз аденомаларини эрта даврларда аниқ ташхислашнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Агрессив аденомалар рентгенологик жиҳатдан тасдиқланган инвазив ўсиши бўлган ўсмалар, анъанавий даволаш усулларига (жарроҳлик, радиотерапия ва дори-дармон терапияси) қарамасдан радиологик ва клиник жиҳатдан сезиларли тез ўсиши билан намоён бўлади. Шу сабабли, замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлган агрессив гипофиз аденомаларини эрта ташхислаш ва даволаш алгоритмини тузиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини, шу жумладан эндокрин хизматини ривожлантириш, хусусан, гипофиз аденомасини эрта ташхислаш, ривожланишининг генетик ва эпигенетик омилларини ўрганиш, асоратларини камайтириш, нейроэндокрин хиазмал-селлар соҳасидаги (ХСС) ўсмаларнинг шаклланишининг олдини олиш ва даволаш борасидаги кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда «...эндокринология йўналишидаги илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш, соҳа ходимларининг илмий салоҳиятини ошириш...»,<sup>1</sup> шунингдек, патронаж хизматини ташкил этиш орқали эндокрин касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш каби вазифалар белгиланди. Мазкур вазифалар аҳоли ўртасида эндокрин касалликларни ташхислаш ва даволашда янги технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш орқали уларни ўз вақтида аниқлаш, нейроэндокрин касалликлар асоратлари натижасида келиб чиқадиган ногиронлик ва ўлим даражасини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 январдаги ПФ-102-сон «Эндокринологик хизмат кўламини такомиллаштириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 19 апрелдаги ПФ-4295-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26 январь 2022 йилдаги №ПФ-102 «Эндокринологик хизматларни куламини такомиллаштириш ва кенгайтириш» тўғрисидаги фармони.

сонли «2019–2021-йилларда Республика аҳолисига эндокринологик ёрдам кўрсатишни яхшилаш миллий дастурини тасдиқлаш ҳақида»ги, ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётига таҳлилларига кўра, агрессив гипофиз аденомаларига бағишланган қатор илмий ишлар мавжуд: Белгияда (Di Ieva et al, 2014), Канадада (Mete et al, 2017), АҚШда (Heany et al, 2014), Голландияда (Dekkers et al, 2020), Хитойда (Kim et al, 2016) ва бошқа қатор мамлакатларда олиб борилган кузатувлар мазкур мавзуга тегишли эътиборга сазовор ҳисобланади. Бундан ташқари, 2018 йилда Европа Эндокринология Жамияти агрессив гипофиз аденомалари учун клиник тавсияларни ишлаб чиқди. Унда агрессив гипофиз ўсмалари ва карциномаларни ташхислаш, даволаш ва кузатиш учун клиник кўрсатмалар берилган (Raverot et al, 2018).

Ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда маҳаллий адабиётларга кўра, Ўзбекистонда бир қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, уларда нейроэндокрин ўсмаларни, хусусан, гипофиз аденомасини эрта ташхислаш, даволаш ва унинг янги усуллари жорий этишга қаратилган. Жумладан, гипофиз аденомаларини клиник-диагностик жиҳатлари (Ҳалимова З.Ю., 2000, 2017, 2018); соматотропиномалар клиник-эпидемиологик хусусиятлари ҳақида (Холиқова А.О., 2007, 2019), кортикотропиномалар хусусиятлари ҳақида (Наримова Г.Д., 2018), нофаол гипофиз аденомалари (Холова Д.Ш., 2018), соматотропиномалар нур терапияси бўйича (Иссаева С.С., 2019 г.), пролактиномаларнинг клиник хусусиятлари бўйича (Насирова Х.К., 2019). Аммо шуни таъкидлаш керакки, гипофиз аденомаларининг агрессив шакллари хусусиятларини ўрганишга қаратилган барча ишларда, унинг клиник ва молекуляр-генетик жиҳатларини ўрганиш талаб этилади. Ҳозиргача мамлакатимизда гормонал фаол ва нофаол шакллар орасида агрессив аденомаларнинг тарқалиши бўйича индивидуал тадқиқот натижаларининг мета-таҳлилини ўтказиш, шунингдек, гипофиз аденомаларининг агрессив кечишини дастлабки омилларини аниқлашга қаратилган илмий ишлар олиб борилмаган.

Бугунги кунда қадар, гипофиз аденомаларини ўрганишга қаратилган илмий ишлар куплигига қарамасдан, агрессив гипофиз аденомаларига қаратилган тадқиқотлар, уларнинг молекуляр-генетик хусусиятларини, клиник жиҳатларини ўрганиш «тор мавзу» лардан бири бўлиб, улар бўйича

нашрлар сони жуда чекланган ва ўрганилган ҳолатлар сони кам. Агрессив гипофиз аденомаларининг молекуляр хусусиятларига оид нашрларда турли патогенетик меъзонларга эга бўлган эрта прогноз қилувчи омилларни аниқлаш ролига эътибор қаратилади. Адабиётда тасвирланган гипоксиядан идукциялаган неоваскуляризация (HIF-1 $\alpha$ , VEGFA), онкосупрессив оқсиллар (p53) ва IL-17 каби интерлейкин тизимининг агрессив гипофиз аденомалари патогенезидаги роли тўғрисидаги маълумотлар қарама-қарши ва қўшимча чуқур тадқиқотларни талаб қилади

Шундай қилиб, муаммони ўрганиш таҳлили шуни кўрсатдики, агрессив гипофиз аденомаларини эрта намоён бўлишини ўрганиш, шунингдек, молекуляр-генетик омилларини аниқлаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Мазкур илмий иш агрессив гипофиз аденомаларнинг пайдо бўлиш сонини, уларнинг клиник кўринишларининг хусусиятларини, ривожланишига таъсир қилувчи башоратлаш омилларини ўрганиш, агрессив гипофиз аденомаларини эрта ташхислаш ҳамда даволаш учун оптимал алгоритмни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Ушбу ҳолатлар ҳозирги тадқиқот учун асос бўлди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги**  
Диссертация тадқиқоти академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида гипофиз жарроҳлиги билан нейроэндокринология бўлимининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** агрессив гипофиз аденомаларининг клиник, иммунологик, молекуляр-генетик жиҳатларини баҳолаш, уларни ташхислашнинг оптимал йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

жинснинг гормонал фаоллигини, беморларнинг ёшини ва ўсимтанинг визуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда агрессив гипофиз аденомаларининг клиник хусусиятларини баҳолаш;

агрессив гипофиз аденомаларининг молекуляр-генетик жиҳатларини жумладан VEGFA генининг G634C полиморфизми, TP53-2 генининг C/T полиморфизми, HIF-1 $\alpha$  генининг C/T полиморфизми, IL-17A генидаги G-197A полиморфизм аллеллари ва генотипларининг тарқалиш сонини агрессив гипофиз аденомаси бўлган беморлар гуруҳларида (таққослаш гуруҳини ўз ичига олган ҳолда) ва назорат гуруҳида аниқлаш;

гипофиз аденомаларини ўрганишнинг гормонал фаоллиги ва молекуляр-генетик курсаткичларини ҳисобга олган ҳолда клиник ва генетик таққослаш;

агрессив гипофиз аденомаларининг клиник, гормонал, визуал, молекуляр-генетик ва иммунологик хусусиятлари негизида регрессион таҳлил қилиш асосида агрессив гипофиз аденомаларини эрта ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида гипофиз аденомаси (МКБ10D35.2) ташхиси тасдиқланган, Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида 2020

йилдан 2021 йилгача бўлган даврда мурожаат қилган 100 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида вена қони ва зардоби, биокимёвий ва асбобий текширувлар натижалари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот вазифаларини бажарилиш мақсадида умумклиник, биокимёвий, гормонал текширув (ПРЛ-пролактин, ЎГ-ўсиш гормони, ИУО-инсулинга ўхшаш ўсиш омили-1, ЛГ-лутеотроп гормон, ФСГ-фолликулаларни стимуловчи гормон, ТТГ-тиреотроп гормон, АКТГ-адренкортикотроп гормони), қон ва кунлик сийдикдаги кортизол, махсус усуллар (реал вақтда полимераз занжирли реакцияси (РВ-ПЗР) ёрдамида полиморфизмларни генетик ўрганиш), шунингдек, асбобий, нейровизуал (хиазмал-селлар соҳасининг магнит-резонансли томографияси (МРТ)) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор олинган маълумотлар асосида Кнопс таснифи бўйича агрессив гипофиз аденомаларининг клиник ва визуал хусусиятлари аниқланган;

VEGFA, HIF-1 $\alpha$ , TP53-2, IL-17A ген полиморфизмлари аллеллари ва генотипларининг тарқалиш даражаси, аденомаларнинг инвазив ўсиши ва гормонал фаоллик кўрсаткичларининг агрессив гипофиз аденомалари келиб чиқишидаги ўрни баҳоланган;

агрессив гипофиз аденомасининг ривожланишида клиник, гормонал, визуал ва молекуляр генетик омиллар орасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган;

Кнопс таснифи, генетик, клиник кўрсаткичлар бўйича ҳамда визуал хусусиятларини баҳолаш орқали агрессив гипофиз аденомасини эрта ташхислаш такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

касалликни натижаларини ва ҳаёт сифатини яхшилаш учун агрессив гипофиз аденомасини эрта ташхислашни ўрни асосланган;

аденоманинг 3-6 ой ичида 20% дан ортиқ тез ўсиши, дори-дармонларга чидамлилиги билан биргаликда инвазив гипофиз аденомаларида агрессивликни эрта ташхислашда генетик таҳлилнинг афзалликлари кўрсатилган;

касаллик натижаларини олдини олиш мақсадида агрессив гипофиз аденомалари белгилари мавжуд беморларни эрта ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган барча ёндашувлар, фойдаланилган усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулларнинг қўлланилганлиги, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, анамнестик, биокимёвий, гормонал, инструментал, нейро-офтальмологик, нейровизуал ҳамда статистик усулларга таянганлиги, олинган маълумотларга замонавий компьютер технологиялар ёрдамида ишлов берилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларининг маҳаллий ва ҳорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланган. Тадқиқот усуллари

натижалари билан текширилган беморларнинг сони етарлилиги билан асосланади.

#### **Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти гормонал фаолликка мос равишда агрессив гипофиз аденомаларининг кечишини эрта ташхислашни такомиллаштириш ва замонавий генетик тадқиқотлар ёрдамида агрессив гипофиз аденомасини эрта ташхислашнинг янги мезонларини аниқлаш билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти олинган натижалар асосида агрессивликка мойил бўлган гипофиз аденомаларни генетик таҳлили билан бирга клиник-гормонал ва нейровизуал баҳолаш агрессив кечишни башорат омиллари деб аниқланиб, агрессив гипофиз аденомаси каби кам учрайдиган касаллик ташхис мезонларини яратилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Агрессив гипофиз аденомаси билан оғриган беморларни ўз вақтида ташхислаш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Агрессив гипофиз аденомасини эрта ташхислашда замонавий ёндашувлар бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Агрессив гипофиз аденомасини эрта ташхислашда замонавий ёндашувлар» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 16 февралдаги 8н-з/66-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи ва иккиламчи бўғинида фаолият юритиб келаётган оилавий шифокор ва эндокринологларга мўлжалланган бўлиб, ундаги тавсиялар агрессив гипофиз аденомаси бўлган беморларни замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари жорий этиш имконини берган;

агрессив гипофиз аденомаси билан оғриган беморларни эрта ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд шаҳар ва Андижон вилояти эндокринология диспансерларида амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 13 майдаги 08-12711-сон хулосаси). Олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этилиши агрессив гипофиз аденомаси билан оғриган беморларнинг саломатлик ҳолатини ўз вақтида назорат қилиш, ўсмаларнинг массив, агрессив ўсиши натижасида келиб чиқадиган асоратларни бартараф этиш орқали ҳаёт сифатини ўз вақтида яхшилаш ва шу билан бирга ногиронлик ҳамда ўлим хавфини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва субъектлари тавсифланган, тадқиқот Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг илмий-амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш тўғрисида маълумотлар берилган, экспертизадан ўтказиш натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи «**Агрессив гипофиз аденомалари ҳақида замонавий тушнчалар**» номли адабиётлар шарҳи бобида агрессив гипофиз аденомалари завовайй тушунчалари, ҳамда аденомаларнинг асосий агрессивлик меъзонларига асосланиб диссертациянинг долзарблиги ва республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги асосланган, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи тақдим этилган. Ушбу бобда агрессив гипофиз аденомаларига замонавий қарашлар, дунёдаги эпидемиологик маълумотлар ва агрессив гипофиз аденомаларини даволашга замонавий ёндашувлар ҳақида маълумот берилган. Касалликларнинг тиббий-ижтимоий аҳамияти ва уларнинг келиб чиқиши, клиникаси, диагностикаси, ҳамда унинг замонавий жиҳатлари ва агрессив гипофиз аденомалари билан касалланган беморларни диагностика ва даволаш тактикасининг хусусиятлари таҳлил қилинган. Ушбу бобда агрессив аденома бўйича маҳаллий ва хорижий олимларнинг сўнгги йиллардаги илмий ютуқлари батафсил баён этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Агрессив гипофиз аденомаларини баҳолаш материаллари ва усуллари**» деб номланган. Ушбу иш академик Ё.Х. Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида 2020-2021 йилларда олиб борилган. Тадқиқотга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази молекуляр генетик бўлими лабораторияси маълумотлар базасидан гипофиз безининг аденомаси (асосий гуруҳ) ташхиси клиник жиҳатдан тасдиқланган 100 нафар бемор ва 83 нафар амалда соғлом одам (назорат гуруҳи) иштирок этди.

Мақсад ва вазифаларга кўра барча беморлар 2 та асосий гуруҳга бўлинган: I гуруҳ - ноинвазив гипофиз аденомаси бўлган 35 та бемор; II гуруҳ - инвазив гипофиз аденомаси бўлган 65 та бемор, охириги гуруҳ 2 кичик гуруҳга бўлинган: ПА – 26 та 1-2 даражали ўсиш билан инвазив гипофиз аденомаси бўлган беморлар ва ПБ- 39 та 3-4 даражали инвазия

мавжуд беморлар. Назорат гуруҳи худди шу ёшдаги 83 нафар деярли соғлом одамлардан иборат еди.

Беморларни танлаш критерийси барча агрессивлик мезонларига мос равишда танланилди. Шунда, 100 беморлар ичидан 14 та ҳолатларда дори дармонларга резистент гипофиз аденомалари қайд этилиб, уларни асосан пролактинома билан ташхисланган беморлар ташкил қилди. 29 та ҳолатларда трансфеноидал аденомэктомия жаррохлигидан кейинги ва нур терапиясидан кейинги аденома кайталаниши қайд қилинган. Булардан 19 та ҳолатларда АКТГБ.КС билан ва 10 та ҳолатларда соматотропиномалар усиши давомийлиги билан ташхисланган беморларни ташкил қилди. Нофаол гипофиз аденомаларининг 18 та ҳолатларида, 9 та пролактинома ва 12 та соматотропинома ҳолатларида КС 3-4 даражали бирламчи инвазияси қайд қилинди. Солиштирма гуруҳни 18 та инциденталома ҳолатлари билан ташхисланган беморлар, яъни тасодифан нофаол микроаденомалар булган беморларни ташкил қилди.

Гормонал тадқиқотлар академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг НІТАСНІ, COBOS E 411 тўпламлари (раҳбари Саидова С.Х.) ёрдамида биокимёвий лабораторияда кимъёлюминесцент усулида олиб борилди.

Ё.Х.Тўрақулов номидаги эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида гипофиз аденомаси ташхисини қўйиш учун барча текширилган беморларга контрастли /контрастсиз (Магнилек) кўрсатмаларига кўра МРТ сканер (Philips 1.5T, Индия) ёрдамида МРТ текширувдан ўтказилди. Босқични баҳолаш учун Кнопс (1993) (Knops) таснифидан фойдаланилди ва унга кўра ўсимтанинг интеркаротид чизиқлар билан кесишиши баҳоланди.

Молекуляр генетик тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази молекуляр-генетик бўлимининг референт лабораториясида олиб борилди (Молекуляр тиббиёт ва хужайра технологияси лабораторияси мудири проф. Каримов Х.Я.).

VEGFA генининг G634C позицияларида (локус rs2010963), TP53\_2 генининг C/T (локус rs17884159), HIF1A генининг C/T (локус rs11549465) ва IL-17A генининг G-197A ўрганилаётган генлар минтақаларининг полиморфизми, IL-17A гени реал вақтда ПЗР-экспресс тўпламлари («Синтол», Россия) ПЗР-РВ (RT-PCR) ёрдамида аллелга хос полимераза занжири реакцияси усули билан ўрганилди.

Натижаларни талқин қилиш реал вақтда ПЗР-РВ асбобининг "Rotor Gene" дастури ёрдамида амалга оширилди.

Иккала гуруҳда ҳам барча ўрганилган полиморфизмлар учун аллел ва генотип сонларини тақсимлаш учун  $\chi^2$  мезони қўлланилди.

Ўрганилаётган гуруҳларнинг аллеллари ва генотиплари ассоциацияси даражаси odds ratio (OR) нисбати бўйича баҳоланди.

**Диссертациянинг «Ўсмаларнинг гормонал фаоллиги, жинсга, ёшга ва визуал хусусиятларига кўра, агрессив гипофиз аденомалари клиникасининг ўзига хослиги. Шахсий тадқиқот натижаларининг**

**таҳлили»** учинчи бобида ўсманинг гормонал фаолликка, жинсга, ёшга ва нейровизуал хусусиятларига қараб, агрессив гипофиз аденомаларининг клиник хусусиятлари, шунингдек, полиморфизмларнинг молекуляр генетик таҳлили (VEGF, TP53, HIF-1 $\alpha$ , IL-17A) инвазивлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, эрта ташхислаш, даволаш ва агрессивлигини башорат қилиш дастури тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган.

**I-асосий гуруҳ** аденомаларнинг инвазив бўлмаган ўсиши 35 та бемордан иборат. **IIА гуруҳи** 1-2 даражали инвазив ўсиши бўлган 26 та беморни, **IIБ гуруҳини** Кнопс таснифи бўйича 3-4 даражали инвазив ўсиши бўлган 39 беморни ташкил этди. Биринчи гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши 33,9 (СД $\pm$ 10,0), II А гуруҳда 37,3 (СД $\pm$ 9,3) ва II Б гуруҳида 40,0 (СД $\pm$ 14,3) бўлган. Беморларнинг ёш тоифасини баҳолаш шуни кўрсатдики, ёши билан инвазивлик тенденцияси кучаяди. I гуруҳда 45,7% (n=16) 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган беморлар, 20% (n=7) 30 ёшдан 40 ёшгача, 28,6% (n=10) 40-50 ёш ва 5,7% (n=2) 50 ёшдан катта. 40-50 ёшда (n=11) 1-2 даражали инвазив аденомалар (IIА гуруҳ) устунлик қилган, бу ноинвазив аденомалардан (I гуруҳ) 2,5 марта кўпдир. Бундан ташқари, >50 ёшда 3-4 даражали инвазив аденомалар энг кўп кузатилган (IIБ гуруҳи), бу I ва II-А гуруҳларига нисбатан мос равишда деярли 5 ва 7 баравар кўп.

Ўрганилаётган гуруҳларнинг гендер хусусиятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, биринчи гуруҳда эркеклар 11,4% (n=4), аёллар 88,6% (n=31) ни ташкил қилади. IIА гуруҳига 30,8% (n=8) аёллар ва 69,2% (n=18) эркеклар киради. IIБ гуруҳида эркеклар 43,6% (n=17) ва аёллар 56,4% (n=22) ташкил этди.

Ушбу таҳлил шуни кўрсатдики, ҳар иккала гуруҳда ҳам аёл жинси эркекларникидан устун бўлган, аммо эркекларда инвазив аденомалар 2 марта кўпроқ аниқланган, бу ўз навбатида эркекларда аденомаларнинг агрессив мойиллиги юқори эканлигини тасдиқлайди.

Кейинчалик, ўрганилган беморларнинг гормонал хусусиятларини таҳлил қилдик. Ноинвазив аденомаси бўлган беморларнинг 8,6 фоизда (n=3) пролактин секреция килувчи аденомаси (ПРЛ), АКТГ билан боғлиқ булган Кушинг синдроми 40 фоизда (n=14) ва нофаол бўлган микроаденомалар (инциденталомалар) бўлган беморлар 51,4% (n=18) ташкил этди.

1-2 даражали инвазив аденомалар (IIА гуруҳи) орасида пролактиномалар 46,2% (n=12), Кушинг синдроми ва соматотропиномалар тенг нисбатда - 19,2% (n=5), 3-4 даражали инвазив аденомалар (IIБ гуруҳи) 46,2% (n=18) нофаол гипофиз аденомаларида (НГА), 30,8% (n=12), соматотропиномаларда ва 23,1% (n=9) пролактиномалари бор беморларда аниқланди.

Шундай қилиб, ўрганилаётган агрессив аденомаларнинг гормонал дифференциацияси шуни кўрсатдики, инвазив аденомалар орасида частота бўйича нофаол гипофиз аденомалари (НГА) биринчи ўринни, соматотропиномалар иккинчи ўринни ва инвазив, агрессив ўсиши бўлган пролактиномалар учинчи ўринни эгаллайди. Инвазив бўлмаган гипофиз аденомаларининг асосий қисми (40%) АКТГга боғлиқ Кушинг синдроми (n = 14) ташкил қилди.

Клиник тахлил шуни курсатдики, аденоманинг параселляр ўсишида беморларнинг асосий шикоятлар 77% дан 97% гача кучли бош оғриғи булиб, бу каверноз синус шикастланиши билан боғлиқ булган III, IV ва VI краниал нервлар таъсири хисобида келиб чиқадиган птоз, куз олайиши ва тригеминал огриклар (r.opthalmicus n.trigemini хисобида) ва бош мия кон айланишининг бузилиши хисобида юзага келадиган огриклардир. Инфраселляр усишда асосий шикоят ликворореяни ташкил этди (17%). Супраселляр усишда ПА ва ПБ гуруҳидаги беморларда инвазив аденомалар билан кўришнинг пасайиши билан боғлиқ шикоятлар сони мос равишда 50% (n = 13) ва 43,6% (n = 17) ни ташкил этди, шунингдек, кўриш майдонининг торайиши 26,9% (n=7) 66,7% (n=26), ноинвазив аденомалар билан солиштирганда сезиларли даражада (p<0,001) юқорилиги аниқланди. Шунингдек, статистик аҳамиятга эга шикоятлар (p<0,001), лекин нисбатан камроқ даражада, гипоакузия 53% (n=21) ва атаксия 69,2% (n=27) каби шикоятлар энг кўп инвазияларнинг 3-4 даражаларида қайд этилган (ПБ гуруҳи).

Кнопс таснифига кўра, инвазив бўлмаган аденомаларнинг аксарияти (0 даража) АКТГ секретциялувчи гипофиз аденомалари (73,7%) ва барча инциденталомалар (100%) ташкил этади. 1-даражали инвазия энг кўп пролактинома (25,0%) ва деярли бир хил сонда АКТГга боғлиқ Кушинг синдроми (5,3%), соматотропиномалар (5,9%) ва нофаол гипофиз аденомалари (4,5%) билан касалланган беморларда аниқланди. 3 ва 4-даражали инвазия кўпроқ гипофиз безининг нофаол аденомалари (мос равишда 45,5% ва 36,4%), акромегалия (мос равишда 41% ва 29,4%) ва пролактинома (мос равишда 25% ва 12,5% бўлган) гуруҳларда кузатилган. (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Гормонал фаолликка қараб Кнопс таснифи бўйича гипофиз аденомасининг инвазив ўсиши

	ПРЛ n=24 (%)	АКТГ.КС n=19(%)	Соматотроп иномалар n=17(%)	НГА n=22(%)	Инциденталомал ар n=18(%)
<b>Каверноз синуснинг қопланиш даражаси бўйича</b>					
<b>0 д. (%)</b>	3 (12,5)	14 (73,7)	0 (0,0)	0 (0,0)	18 (100,0)
<b>1 д. (%)</b>	6 (25,0)	1 (5,3)	1 (5,9)	1 (4,5)	0 (0,0)
<b>2 д. (%)</b>	6 (25,0)	4 (21,1)	4 (23,5)	3 (13,6)	0 (0,0)
<b>3 д. (%)</b>	6 (25,0)	0 (0,0)	7 (41,2)	10 (45,5)	0 (0,0)
<b>4 д. (%)</b>	3 (12,5)	0 (0,0)	5 (29,4)	8 (36,4)	0 (0,0)

ААГ усиш характериға кура, шуни айтиш керакки, жуда оз холатларда усиш фақат бир томонлама кечади ва купгина холларда усиш тотал ёки параселляр кечади. Турли хил гормонал фаолликка эга бўлган агрессив гипофиз аденомаларининг ўсиш йўналишининг хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, гипофиз безининг фаол бўлмаган аденомалари энг кўп 45% (n = 10) латерал ва 36% (n = 8) умумий ўсиш шаклига мойил. Пролактинома холатларининг ярмида 50% (n = 12) супраселлар ўсишни ва 25% (n=6) да латерал ўсиш тенденциясини кўрсатди. Соматотропиномаларда аденома ўсиш

тенденцияси латерал (42% n=7) ва умумий ўсиш (41% n=6) билан деярли бир хил сонда қайд этилган. Фақатгина инфраселлар ўсиш кўпроқ агрессив соматотропиномаларда қайд этилган. Соматотропиномалар билан 17% (n = 3) да аденоманинг сфеноид синусга ўсиб бориши билан инфраселлар ўсиши кузатилди. Деярли барча АКТГ га боғлиқ бўлган Кушинг синдромида аденома турк эгаридан ташқарига чиқмади, яъни бу аденомалар гуруҳи аденома ўсишининг эндоселар шаклига эга эди. НГА ва соматотропиномалар кўпинча латерал (мос равишда 45% ва 29%) ва умумий ўсиш (мос равишда 36% ва 59%) аденомалар билан тавсифланади, пролактиномалар, супраселлар (50%) ва кортикотропиномалар ёки АКТГга боғлиқ - Кушинг синдроми (89%) эндоселлар ўсиши билан тавсифланади. Учта проекцияда аденомалар ҳажмининг қиёсий таҳлили: антеропостериор, баландлик ва кенглик ўлчамларида инвазив бўлмаган аденомаларда деярли барча ўлчамлар 0,25 мм дан 5,29 мм гача ўзгариб сезиларли фарқни аниқлаш мумкин эмас. Инвазив аденомаларда ушбу таҳлил шуни кўрсатдики, 3-4 даражали инвазияларда аденомаларнинг энг катта ҳажми антеропостериор ўлчамни кўрсатди, бу ерда қийматлар 16 мм дан 32 мм гачани ташкил қилди. 1-2 ва 3-4 даражали инвазияларда бўлгани каби, аденомаларнинг баландлиги ва кенглиги ўртасида сезиларли ўзгаришлар қайд этилмаган. Турли хил гормонал фаолликка эга бўлган агрессив гипофиз аденомалари ҳажмида статистик аҳамиятга эга ( $p < 0,001$ ) ҳам сезиларли даражада фарқланади. Шуни таъкидлаш керакки, гипофиз ҳажмининг индивидуал энг катта кўрсаткичлари нофаол гипофиз аденомалари (НГА) ва пролактиномалар (ПРЛ) орасида кузатилган. Гипофиз пролактиномалари орасида ўртача неоплазма ҳажми 2059,407 мм<sup>3</sup>, НГА орасида - 14188,8 мм<sup>3</sup> ва соматотропин билан - 3762,9 мм<sup>3</sup>, АКТГга боғлиқ Кушинг синдроми - 1005 мм<sup>3</sup> ташкил қилди. Аммо, умуман олганда, гуруҳларни бир-бири билан таққослаганда, гормонал фаол бўлмаган аденомалардан кейинги максимал ўртача ҳажм гипофиз соматотропиномаларида - 16500 мм<sup>3</sup>, пролактиномаларда биров камроқ - 5278 мм<sup>3</sup> ва АКТГга боғлиқ Кушинг синдромида ундан ҳам пастроқ кўрсаткичлар кузатилди - 3456 мм<sup>3</sup>. Шу билан бирга, барча гормонал фаол аденомаларга нисбатан гормонал фаол бўлмаган гипофиз аденомаларининг ўртача ва максимал ҳажми ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланди ( $p < 0,001$ ). Аденома ҳажми ва гормонал фаоллик ўртасидаги мумкин бўлган муносабатни аниқлаш учун Пирсон бўйича гормонал фаол гипофиз аденомаларининг корреляция таҳлили ўтказилди. Таҳлил натижаларига кўра, аденома ҳажми ва гормонал фаоллик кўрсаткичлари ўртасида ижобий муносабатлар йўқ эди, яъни гипофиз троп гормонларининг юқори даражасида аденоманинг ҳажми ёки ҳажми кичик бўлиб қолиши мумкин ва, аксинча, катта аденомалар билан гормонал фаоллик минимал бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, аденомалар ҳажмини клиник баҳолаш ва гормонал диагностика билан уларнинг агрессив кечишини олдиндан башорат қилиш қийинлиги аниқланди.

Нейровизуал текшируви шуни кўрсатдики, 3-4 даражали (ПБ гуруҳи) инвазив аденомаларда 97,4% (n=38) хиазманинг сиқилиши, сфеноид

синуснинг 77% фокал эрозияси ва 20% дан ортиқ ўсиш (сўнгги 6 ой ичида), мос равишда, шу пайтда бу мезонлар 1-2 даражали инвазив аденомаларда (IIA гуруҳи) камроқ даражада кузатилган ва инвазив бўлмаган аденомаларда (I гуруҳ) деярли кузатилмаган.

Бундан ташқари, аденомалар тузилишининг бир хиллиги ва қирраларнинг тиниқлигини баҳолаш шуни кўрсатдики, 3-4 даражали ҳақиқий инвазиялар ҳолларда 82,1% (n=32) аденомалар нотекис қирраларга эга ва 84,6% (n= 33) - структуранинг гетерогенлиги, I-чи ва IIA гуруҳларида (1-2 даражали инвазия) бу мезонлар тахминан икки барабар камроқ кузатилган. Турли МРТ режимларида (T1 ва T2) аденомаларнинг интенсивлиги шуни кўрсатдики, T1 режимида I гуруҳ беморларида (51,4%), асосан, патологик ҳудуднинг изоэхогенлиги ва 37,1% гипоэхогенлик аниқланган, IIA гуруҳида эса 61,5%. хиазма-селлар соҳасининг (ХСС) патологик гипоэхогенлиги кузатилди. Бироқ, T2 режимида инвазив аденомаларнинг интенсивлиги кескин ошди. Демак, 1-2 даражали инвазия билан беморларнинг 69,2 фоизида (n=18) ва 3-4 даражали 64,1 фоизида (n=25) юқори интенсивлик аниқланган.

Шундай қилиб, аденомадаги структур ўзгаришлар (гетерогенлик), динамикада аденоманинг интенсив ўсиши (6 ойда > 20%), T2 режимида гиперинтенсивлик гипофиз аденомаси билан оғриган беморларни янада тўлиқ текширишга ва агрессивликнинг диагностик белгиларини аниқлашга ёрдам беради.

Кейинчалик, барча гуруҳларда ва назорат гуруҳида аллелларнинг тарқалиш сонини ўрганишга қаратилган генетик таҳлилни ўтказилди. Маълумки, генетик баҳолашнинг иммуногистохимёвий усулдан устунлиги агрессив гипофиз аденомаси ташхисининг дастлабки босқичларида беморларни ноинвазив текшириш ҳисобланади. Ўрганилаётган 3 гуруҳда VEGFA, TP53, HIF-1 $\alpha$ , IL-17A полиморфизмлари генотипларининг тарқалиш сонини қиёсий баҳолашни ўтказилди: инвазив бўлмаган гипофиз аденомалари 29 та беморда, 52 та беморда инвазив ва 83 та кишида соғлом назорат гуруҳлари.

Шундай қилиб, реал вақт режимида генотиплашни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, G634C VEGFA полиморфизмининг гетерозиготли мутацияси (G\C) жами 21 ҳолатда (26%), аминокислоталарни тўлиқ алмаштириш билан гомозиготли ҳақиқий мутация қайд этилган. 4 та ҳолатда хромосомалар кетма-кетлигининг (C\C) 634-позициясида цистеин (C) билан гуанин кислотаси (G) аниқланди. Таҳлил шуни кўрсатдики, инвазив аденомаси бўлган беморларда гетерозигот (G\C) мутацияси икки барабар кўпроқ учрайди - 32,7% (n=17), назорат гуруҳи 15,7% (n=13) билан солиштирганда. Гомозиготали C\C мутацияси аденомаларнинг инвазив ўсиши бўлган беморлар гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 7,7% (n=4) кўпроқ кузатилди, бу натижалар инвазив аденомаларнинг ривожланиш механизми ангиогенез VEGFA йўлини фаоллаштириш орқали боғлиқлигини тасдиқлайди (2-жадвал).

## 2-жадвал

VEGFA генининг G634C полиморфизми генотипларининг тарқалиш сонини (rs2010963) агрессив гипофиз аденомаси (n = 81) ва назорат гуруҳи (n= 83) беморларида

Полиморфизм	Назорат n=83 (%)	Ноинвазив n=29 (%)	OR (95%CI)	p	Назорат n=83 (%)	Инвазив n=52 (%)	OR (95%CI)	p
G/G	68 (81,9)	25 (86,2)	1,37 (0,4-4,5)	0,59	68 (81,9)	31 (59,6)	0,32 (0,14-0,71)	0,005
G/C	13 (15,7)	4 (13,8)	0,86 (0,25-2,8)	0,8	13 (15,7)	17 (32,7)	2,6 (1,14-5,98)	0,02
C/C	2 (2,4)	0 (0)	-	-	2 (2,4)	4 (7,7)	3,3 (0,6-19,1)	0,17

HIF-1 $\alpha$  генининг гетерозиготали C\T аллелларининг умумий сони тақсимоли 17 (21%) ҳолатда қайд этилган. HIF-1 $\alpha$  генининг гетерозиготали C\T полиморфизми инвазив аденомаси бўлган беморларда назорат гуруҳига нисбатан анча кўпроқ (p = 0,02) аниқланди: мос равишда 25% (n=13) ва 9,8% (n=8)., ноинвазив аденомаларда эса бу мутация 3 марта камроқ кузатилган. VEGFA ва HIF-1 $\alpha$  нинг гетерозиготали полиморфизми умумий сонининг 6 фоизида (n=5) қайд этилган (3-жадвал).

## 3-жадвал

Агрессив гипофиз аденомаси (n = 81) ва назорат (n = 83) бўлган беморлар гуруҳларида C/T ген полиморфизми HIF1 $\alpha$  (rs11549465) генотипларининг тарқалиш сони

Полиморфизм	Назорат n=83 (%)	Ноинвазив n=29 (%)	OR (95%CI)	p	Назорат n=83 (%)	Инвазив n=52 (%)	OR (95% CI)	p
C/C	74 (89,2)	25 (86,2)	0,76 (0,21-2,68)	0,67	74 (89,2)	36 (69,2)	0,27 (0,11-0,67)	0,005
C/T	8 (9,6)	4 (13,8)	1,5 (0,4-5,4)	0,53	8 (9,6)	13 (25,0)	3,1 (1,2-8,1)	0,02
T/T	1 (1,2)	0 (0,0)	-	-	1 (1,2)	3 (5,8)	5,0 (0,5-49,6)	0,16

